 Баҳодир Исо менинг этагим тутган бўлса,  
 Шувдайин зоги киром нимадир кутган бўлса —  
 Кўнглимнинг ич-ичида бир дўстлик ҳосил бўлди  
 Арақинга етказишига орада расул бўлди.  
 Юрагимга ғойибдан келган бир бапорат,  
 Хаёлиму сўзимнинг ҳақлигига ишорат —  
 Бутуғ Чўлпон ё Зухро бўлиш йўлини излаб,  
 Фарғонам осмонида порлар янги юлдузлар,  
 Пуёғи тўлдирди мухлисларнинг чапаги,  
 Эртанга ёки индин кўтарилиб тешага —  
 Усмоннинг ёзилмасдан қолган шеърини ҳали  
 Кувга барг тўкилгандай тўкар Йўқбол Мирзали!  
 Оламинг гўзаллиги ошиқларнинг оҳида,  
 «Адангаман» деб ёндинг, қаердасан Шоҳида?!  
 Беихтиёр ёприлиб, ширин ўй дилга кирди,  
 Андиша тўсиб турган қувончим тилга кирди.  
 Бир партада ўтириб, ҳамон бирга юрганам,  
 Қандай яшан баҳсида бирга ҳаёл сурганим,  
 Бу дувёда дўст нима, дардқаш нима — кўрганим,  
 Хамшиша халқ ғамида кўйиб-пишиб турганим —  
 Сияфдошим Мирзажов вилоятнинг ҳокими —  
 Истеъдодга йўл очди замонанинг оқими.  
 Унинг кўлидан тутди поклик, шижоат, билим,  
 Ундан шахсий наф изласам кесилсин, майли тилим!  
 Яқинларим билишар хушомаддан йироқман,  
 Бор гапни айтолмасдан туролмайман, бироқ мен.  
 Мирзажов Йўлдош ўғли ҳалолликка йўғрилган,  
 Ховлиққани хушлмас унинг билгани билган.  
 Йўқолди фирибгару, текинхўру бурди йўқ,  
 Энди ўша китмирлигу, жанжал, урди-сурди йўқ.  
 Ҳаё яхши билади, аммо айтишим керак.  
 Адолат мавзуига такрор қайтишим керак.  
 Мен хато қилай, бунга унинг эса ҳақи йўқ.

Амалу пул меҳмондир, бу борада боқий йўқ.  
Юрт сўрамоқ иши билан билимсизлар ҳазлаптар,  
Бундайлар фожеасин жуда кўп кўрган башар.  
Қуёш нурын тенг сочар камбағалу бойга ҳам,  
Боғу роққа, дала, тоққа, дарёга ҳам, сойга ҳам.  
Яқинлик эвазидан «у» ё «бу»га айириш —  
Аслида бу — одамнинг қанотини қайириш.  
Билимларга суяниб иш бошласа сарбон.  
Ушалади албатта ўша элнинг армони.  
Ахир бундай чироқнинг пилиги илму ҳикмат,  
Обрў тоғар билимни эъзозлаган ҳукумат!  
Олтин у дуру гавҳар вафосиз қуриқ, савлат,  
Садоқатга суянган муҳаббат буюк давлат!  
Агар имон нури билан ёндирилса чироқлар,  
Ич-ичнинг ёришадп, яқин бўлар йироқлар.  
Энди бошқа гапимни бошлайман сирасидан,  
Кўриниб турар одоб-арконлар орасида  
Ҳазрат муфти Мухторхон Фарғонанинг фарзанди,  
Алоуддин Мансур ҳам водийнинг жигар-банди.  
Аллома Абдулазиз Мансуримиз дин нури,  
Худонинг ивояти унинг сочган шуури.  
Рустам хожп вилоят пмоми маърифидир,  
Тафсиру илми ҳадисдап сўз айтса таърифидир.  
Бахтимга ризқим этиб муборак ҳаж сафари,  
Менга ҳам nasib этиб, муборат ҳаж сафари —  
Парвардигор йўлида кетгунча бўлаб бордим.  
Не ўйим бўлса айтиб, пчимда сўзлаб бордим.  
Дарду ғамнинг борини тўкишни кўзлаб бордим,  
Расули худонинг изини излаб бордим.  
Қаъбага юзни суриб, кўнгилдан йиғладим зор,  
Араим этиб, ё раббим, кўрсатсанг, қани дийдор.  
Маккада, Мадинада ватандошпмиз кўпдир,  
Меҳмонларга аталган муруватларп хўпдир.  
Ҳожилар иш бошиси қувалпк Абдукарим.  
Сафохову, Аъзамхон, Абдушукуржон қори —  
Яшашар имон билан Туркистонни шарафлаб,  
Ҳар шаҳару қишлоғу ҳар хонани шарафлаб,  
Ал-Фарғоний соғинчп Фарғонани шарафлаб!  
Ўзим кўрдим, о қанча ҳурматлашар араблар —  
Биз томондан кетган ул юртдошларни ҳалол деб,  
«Хатто биздан бойларп кўпу келмас малол» деб —  
Айтган ўша очиқ дил сўзларини эшвтдим,



Ғурурланган туйғумни яна шеъримда битдим.  
Ватанининг номини пок тутади пок одам,  
Мардларнинг манзилгоҳи Фарғона, Фарғона-да!  
Жуда ҳам узин ташлаб яхшилик арқонини,  
Боши кўкда адо этди қутлуғ ҳаж арқонини —  
Дўстларим Собир қори, Абдували ҳожилар,  
Уларнинг ташрифидан кўнглим беҳад очилар.  
Сирожддин Маҳсум ҳам эҳтиромли ҳожидир.  
У солиҳ фарзандларнинг бошидаги тождир.  
Довишим Тоҳир ҳожим, яна кўп имом хатиб —  
Сухбати онг озиги, мароқли, ширин, латиф!  
Билимдон алломалар доим бўлди яқиним,  
Суявчигим водийнинг дивнатли оқими!

\*\*\*

Ўлим-лим оққан Сирдарё бўйида хаёл суриб,  
Онажоним Фарғонам ўйида хаёл суриб,  
Узоқ-яқин мозийга нигоҳимни ташлайман,  
Яна тарих қатини варақлашни бошлайман.  
Давонлар давонининг мен билмаган тарихин,  
Авлоду аждодимнинг ёзилмай қолган шарҳин —  
Ўқигандай бўламан жимирлаб оқинишдан,  
Узоқдану яқиндан дилга ўт ёқишинишдан.  
Водийнинг қоп томири ҳаминча уриб турар,  
Фарғонанинг ҳуснини бу дунё кўриб турар.  
Энди ҳеч-ҳеч кўримай тўлаб-тошиб оқ жоним,  
Сирдарём, Сайхун дарём, ўзимнинг онажоним.  
Кўнглига келганини ёзишга тутинганда,  
Сени куйлайман юртим, жоним бор экан танда.  
Қишлоғу шаҳарларнинг гўзалликда бахслашар,  
Тўқин-сочини яшашда бир-биридан ошар.  
Наманганим нузли юз, лутфи ширин шаҳримсан,  
Муҳаббати лиммо-лим тошиб турган наҳримсан.  
Ёлғоғу хиёнатга бўй элмаган қаддимсан,  
Иззат-нафе курашда сен шиддатли хаддимсан.  
Хақгўйликда Машрабсан, мулла Бозор Охунсан,  
Дивнатни асрашда куйиб-ёнган оҳимсан.  
Қучоғинг тўла ҳар ол оромижон оҳангга,  
Дину имон йўлида ибратинг кўп жаҳонга!  
Алломиш авлодидан Бургутали чиндан ҳам,  
Меҳнаткашли суяшда ўтиб кетар унда ҳам.  
Наманганда фоти бўлган ул сирларни бир эсланг,

Ғараз билан бошланган ур-сурларни бир эсланг.  
Уйда-бунда бўйинини чўзганича гашириб,  
Соддаларни чалғитиб, лақиллатиб, зоф уриб,  
Игволарининг қаърида қон тўқниши кўзлаган,  
Факатгина ўзининг маънафини излаган —  
Яши «бек»лар тавобини энг биринчи ким тортди —  
Халқининг ўз ҳокимига пхлоси шундан ортди!  
Ишончга етаклаган Бургутали шахдидир,  
Хаёғую шердиллиги Намаиғаниниг бахтидир.  
Имонга йўғрилгандай назаримда ҳар хона,  
Намаиған, эй, Намаиған, қадамларини мардона.  
Саҳоватда Нонини бор, айтадиган гаини бор,  
Юрт дедилад одимда қўнган катта нафини бор.  
Чортоғини «Бог» эрам», Чодағини ўхшар ойга.  
Мафтулман Учқўрғонга, мафтулман Косонсойга.  
Қадимги Тўрақўрғон аапзлар ўтган туңроқ,  
Бобур бобом туғайли Ахенга меҳрим кўпроқ.  
Чует чиройи бўлақча, гўзал жонон Олмосим,  
Хатто ой кўтарилмас сендан баҳра олмаси!  
Норин дарёга тушиб, йираб-йираб кечганман,  
Унинг хуш тазим қимизини тўйиб-тўйиб ичганман.  
Олнедаги Ҳақлабод хаёлим сенга учар,  
Бувим айтган хотира уйғониб, менни қучар.  
Бу ерда Халқ бобом укалари яшаган,  
Янги-янги ер очиб, ошларини ошаган.  
Мўминжон бўлган экан жияиларининг номни,  
Цилага кедир эмас узоқ йилларининг коти?!  
Замон зайли уругини уруглардан айирган,  
Тополмадини уларини кетган экан қаерга?!  
У замон ўтди-кетди, хуш кездниг янги замон.  
Энди бизнинг Ватаи ҳам иқболни кулган томон.  
Элиниг шоир, орифини олам билади бугун.  
Боглариниг таърифини олам билади бугун.  
«Намаиғаниниг олмаси» теңгевдир ўт ёқинда,  
Хавас билан куйлашар уни хатто АлқШда!  
Мустанқилик бахтига жон-дилдан уришисан,  
Дуеё бўйлаб очилган йўлларда кўришисан.  
Бойлиниг оширянти тадбиркор, иш билармон,  
Мен уларга ҳаминша дилдан омад тиларман.  
Вилоятиниг парвози чиндан ҳам овозалик,  
Ериштирар қўниқили нафосату тозалик.  
Хаёдан ҳам гўзалдир гул сайли Намаиғанда,

Муҳаббатинг бундайин майил Наманганда,  
 Машрабинг боғли кўриб, Ўзбекистон қувонган,  
 Куч олганимиз ўшанда уйғонган қалбу онгга.  
 Малик-ул-шуаро ул Фазлий Намангонийни,  
 Шўху дилбар газалларнинг бўлоқ мисол келиши —  
 Турибмиз шима учуи очишга шошилмасдан,  
 Бизларни чақитмасин кимлардир яна қасддан!  
 Хайратинг бўлгандир эҳтимол боғи-роғи,  
 Шеърлари эса ҳамон маърифатинг чироғи.  
 Ул Рожий Намангоний, Маъжзуби Намангоний —  
 Дину имон, ҳикматинг ёғилиб турган оғи.  
 Ул Нодим Намангоний ёмонларни доғларди,  
 У ёзган газалларни Муқимий ардоқларди.  
 Кўнглини очар Маъзун ё Шавқий Намангоний,  
 Наманган муҳаббати уларинг шаъну шони.  
 Исоҳқон Иброт йўли ҳаммага иброт ҳамон,  
 Аммо уни топтади ул қаттол динсиз замон.  
 Яна тарих бағридан келаяпти бир садо,  
 Бу — шонру ҳам арбоб уламо Сўфизода.  
 Айтганда айта қолай тақдиринг энг ёмонин,  
 Чустийнинг ибратини англамади замони.  
 Мукаррама Азиздир, азиздир ҳар он бизга,  
 Ўхшатиб айтолмади аллави ҳамон ўзга.  
 У ёзган битта роман татийди ўн романга,  
 Машҳур Нарда Турсун ҳам сенинг ўглинг, Намангон.  
 Хамид Нурий ижодига ихлосим жуда баланд,  
 Жановар сўзи билан яшар бу тенгсиз талант.  
 Дарёнинг ул юзида яшаб ўтди Ширмоной,  
 Унинг маҳди айтишда Туроб акадай ёнай!  
 Севимли Турғув Нўлат очерклари, қиссаси —  
 Шогирдлар ижодига унинг қўшган ҳиссаси.  
 Тоғдай бўй-бастли эди Мелиқўзи Умрзоқ,  
 Мақтаб-мақтаб ўлдирдик, бунинг тарихи узоқ.  
 Машраб доғида ўтган ўша Азиз Турсунми,  
 Эй, шонринг қалами, ҳеч қачон бевақт синама.  
 Илҳом билан ёзилган қиссалару романи —  
 Адиб Йўлдош Шамшаринг ижодини бир томони.  
 Халқ йўлида кўп ёзган Робиддин Исоҳқ эди,  
 Ҳаммага ака-ака, кўнгли жуда оқ эди.  
 Эргаш Ёндошим кетиб, юрак тилишиб қолди.  
 Бугун унинг йўқлиги жуда билишиб қолди.  
 Гоҳ шонрлар султони, гоҳо эса, шоҳ бўлган,  
 Гоҳида довиймандлар дилидаги «оҳ» бўлган —

Еқуб Аҳмедов билан санъатимиз бошди,  
 У чиндан фаҳримизу саҳнамиз чиройидир!  
 Дадахон Нурий янги руҳий оламни очар,  
 Шухрати юртим оша етган Ҳиндистонгача.  
 Бир адиб бор ҳаёти худди эртакка ўхшар,  
 Қиссаю романларини завқ-шавқ билан ўқишар.  
 Жоирид ўзи ёшликдан орзу аҳдига етган,  
 Ниёда етиб борган Намагондан Тошкентга!  
 Хусниддин Шаршимиз ёшликдан тўлиб-тошган,  
 Достоп ёзган шўқнда қуёш билан учрашган.  
 Тўра Мирзо авлоди азал улугу саҳий,  
 Неки ёзса дилга келиб туради ваҳий.  
 Оқиллар оқиласи Дилшодахон синглимдир,  
 Унда ядрок, шижоат, меҳр пури лим-лимдир.  
 Элгадир Тоҳирахон бутун қалбининг қўри,  
 Юзларида аке этган апа шу хис шуурп.  
 Позима онамизнинг турган-битгани ақл,  
 Яна ушнинг раҳбарлик одоби жуда маъқул!  
 Танзимга жон, бошимга ақлу ядрок ёр ҳали,  
 Изҳори шўқ айтмоққа туйгуларим бор ҳали.  
 Турсуной Мамедова тез-тез тортар ҳаёлини,  
 Қим севмас ахир бундай шўху дилбар аёлини.  
 У ёниб кўйлаганда ёшариб кетар олам,  
 Мени ширин титратиб, бахтиёр этар олам.  
 Водиймизнинг булбули садоқатли Хабибим,  
 Ўзи ҳам, сўзлари ҳам менинг кўнгли табибим.  
 Эрмамат Олмосийнинг қўлини тутган дўстимап,  
 Самимий шеърини ўқиб, тарқалар дилдан туман.  
 Хофизларнинг баҳсида совришдор Камолиддин.  
 Ўринбойнинг кўйлари гўзал ёр жамолдан.  
 Фарзанду пабиралар йиғилишса бир кўча,  
 Ўртада шеър айтган Нуриддин Бобоҳўжа.  
 Одиложон ҳам шоиру таниқли олми бўлди,  
 Ҳаётининг асоси, барибир, таълим бўлди.  
 Абдулла Жалил аса, оқилу қайсаргина,  
 Шоирлигини билганлар унда ҳеч қилмас гина.  
 Жўшиқил бир гайрат билан эларо чиқарди от —  
 Ўи-ўилаб рўзноманинг муҳбири Турғуннўлат.  
 Миршабларнинг фаҳрийси Абдуқаҳҳор Гоффорзай,  
 Куй бўлиб учиб кетган газалларининг бари.  
 Болаларнинг шоири Жўраҳон Раҳимий бор,  
 Жажжилар руҳини пазар, ўзгача фаҳими бор.  
 Мен бугун йўл-йўлакай дилни очгим келяпти,

Таян-таннимни сийшалаб хуш шабада еляпти.  
 Фаргонажон, сўзиму йўлим этади давом,  
 Андижон тамонингдай эштилади навом!  
 Авдижон, эй, Андижон, сени кўп сўйлаганман,  
 Кўлимдан келганича, берлиб куйлаганман.  
 Ўвласам бодеп шу — ўзинг асли ўзимсан,  
 Чўлпон-ла бирга кетган. айтилмаган сўзимсан.  
 Орузларинг ушалмай, неча йил толиб келдинг,  
 Беш асрни ўтказиб, охири олоб келдинг —  
 Захриддин Бобурни от мидириб бағрингга,  
 Малҳам бўлиб куйилди дилдаги огриғингга!  
 Қобулжон Обидовда узоқни кўзлаш бордир,  
 Шунинг дилдан ҳис этдим: Янгилик излаш бордир.  
 Ўзбекiston йиғилиб, ҳайкал очилган кунин,  
 Муборак пойларингга гуллар сочилган кунин —  
 Бир гулзорга айланди якуний мушоира,  
 Кўшиқ эди, лутф эди, илҳом эди допра.  
 Унинг завқид, шавқига ожиз ҳар қандай таъриф,  
 Жонини улашгудай жонсарақ Мамашариф.  
 Йиғилгандир дувёвнинг шопру фозиллари,  
 Уртада ширин сўзу гоҳ дўстлик ҳазиллари.  
 Шунда ёниб сўз айтди Шаҳобиддин Тусийлар,  
 Орада Бобур меҳри ҳаммаини бир-бир сийлар.  
 Ғурурдан тик бўлган қад Андижонда бошқача,  
 Оқибату муҳаббат Андижонда бошқача.  
 Шоврлару олимлар, хонлар юрти Шаҳрихон,  
 Кўйинингда ҳали қанча мозийининг сўзи ниҳон.  
 Оқсуяклар авлоди йиғилган Хўжаобод,  
 Раҳмат нури ёғилиб, хонаю кўча обод.  
 Чиқарди янги замона машинасини сошлаб,  
 Бу шарафга эришди асакалик шоввозлар.  
 Менга жуда қадрлидир Қўқонқишлоқ, Избосган,  
 Эй, содда дил дўстларим, оқибат Сизда бошқа?  
 Куйган Ёрим, дилли ёр, сен нимадаи куйгансан,  
 Худди Мажнун мисоли ёниб кимни суйгансан?!  
 Келинчакдай ясанган келижа шаҳар Бўз бордир,  
 Унинг ҳамд саносига жозибали сўз бордир.  
 Ўялаб-ўйлаб фарзандларинг менинг қалбим яқиним,  
 Бирини олимга раҳбар, бирини эса оқиним.  
 Юсуф Андижоний ва яна Юсуф Сафой,  
 Уларга дўст тутинган Самарқандда Навой.  
 Элга изҳори меҳр Бимий қалбининг кўри.

Ижодда аке этган ава шу ҳис шуурп.  
 Ҳазалларида кўрдим Оразий дил кўзини,  
 Хеч «мен» деб мақтамаган, фақр тутган ўзини.  
 Ҳайратий ҳайрат билан яшаб ўтган шоирдир,  
 Ҳар бандан мўминдан имон кутган шоирдир.  
 Бадний сўзлмизнинг яроқлаган Яшини  
 Гулдирату нур бўлиб яшайпти ёшини.  
 Ҳазратим Мирзакалон чпидан ҳам калон бўлган,  
 Чиккан ҳар бир китоби ўртада талон бўлган.  
 Муҳаббат оро кирган Ҳабибийнинг ёдига,  
 Бир умр муштоқ ўтган парилар авлодига.  
 Соиб Ҳўжа аслида қизилчилик жамлиги,  
 Ўйлатади санъатда бундайларнинг камлиги.  
 Эзилиб хотирлаймиз Тўхтаєин Жалолли ҳам,  
 Замони таъқиб этган шундайини ҳалолли ҳам.  
 Ажойиб раҳбар бўлган Узоқбой Саримсоқов,  
 Иқтисодий эрк излаб, кутди юраги оқиб!  
 Юмшоқ эди Бокору Улфат домла суҳбати,  
 Кўлимдаги бойлигим устоз Воситнинг хати.  
 Бир нуруний песиқ юз ҳавас билан қаратган,  
 Оталар сиймосини ҳаммадан кўи яратган —  
 Аббос Бакир салмоги санъатда йирик эди,  
 Ўткинчи дунёда у яқинда тирик эди.  
 Рустам Раҳмон ҳаёлини тортган гулми ё гунча,  
 Севгингиз қаримайди, устоз, дунё тургувача!  
 Улуғлар қаторида яшаган Мўйдин Ҳошим,  
 Журналистик касбида синаб ўтди бардошим.  
 Хофиз полков номиши Ўзбекистон ардоқлар,  
 Эсадидир Манноб Жалол нуҳрат таратган онлар.  
 Қанча янги ер очди Дадажонов Мамажон,  
 Уни ҳавас қиларди чўлга чиққан ҳамма жон.  
 Ҳайитбой Азимовнинг китоблари бир қатор,  
 Кўшиқлари таралиб, уни ҳар кун эслатар.  
 Яна бир академик мардона Акмал Қосим,  
 Волийда усиз ўтмас бирор илмий маросим.  
 Немисча сўзланганда немислар ҳайратланар,  
 Мухторхоннинг юраги Ватан пшқида ёнар.  
 Юрагимнинг чўгидир Турсуноф Андижоний,  
 У сўзнинг булоғи ё ишқу муҳаббат кони.  
 Ёшу-қари тилида шоир Муҳаммад Юсуф,  
 Ёшу-қари дилида шоир Муҳаммад Юсуф.  
 Куну-тун печа марта янграб турар қўшиғи,

Муҳаббат оламининг ўхшаши йўқ ошиғи.  
У халқим кўксидаги энг ардоқли бир нидо,  
Уни ёмон кўзлардан ўзинг асра ё худо!  
Абдулло ҳожи Собир ўглини шашти бошқача  
Мустақиллик бағрида тўлиб-тошди бошқача,  
Боболарининг руҳини ардоқлар ҳар қадамда,  
Тадбиркорлик таланти ўзгача бу одамда!  
Олти юзу қирқ олти кўчани ҳар кун кезар,  
Кўчаю кўнгиллари ҳоқимининг меҳри безар.  
Тоза пият қадрдоним донишманд Ҳабибулло,  
Сиздайларни ҳаминша худонинг ўзи кўллар!  
Имомли бажарган пш яроқлаб турар кундай,  
Осмон кенг Бўз сарбони Адҳамжон ана шундай!  
Хизр буво йўл бошлар Мапзурахонга доим,  
Кундан-кун яшпаяпти Жалақудугу Ойим.  
Умрин элга атаган Олимжон ҳам ўз укам,  
Меҳри балавд Назржон ақлу гидрода бекам.  
Дадаҳон Ёқубов-ку дилрабо сўзлар кони,  
Энг машҳур сўхандону «Наврўз»имиз сарбони.  
Абдулҳамид тилимиз-дилимиз биллимдони,  
Сўз сеҳрини шарафлар Хурсанали ҳам ёниб!  
Турсупой Каримова сарбон бўлган аёлдир,  
Хавасмавд қизлар учун у энг шприи хаёлдир.  
Миртемир оқ йўл ёзган Олимжон Холдормиди,  
Ушалапти устозининг дилга туккан умиди,  
Кўп чўнглари қогозга тушгани йўқдир ҳали,  
Анджоннинг Бўзидаи бўлган Муҳаммад Али —  
Достоплар битган шоир, адблар сарбадори.  
Мирзакарим Пирмат эса, узилган умид зори.  
Яроқлаб кўринади ўша Бўздан Тўлаббой,  
Шеърини бир боғ яратди меҳру сўздан Тўлаббой.  
Марду майдон дўст, адб, олим Собир Шокарим —  
Худонинг амри билан топилган дуру зарим.  
Шоирлар даврасининг Исмомилжон Тўлагин  
Дилдан оққан шеъри жопимининг бир бўлаги.  
Тортинчоқлик бағрида давраларда турар тек,  
Аммо кўпу саз ёзар кўнгли тоза Қамчибек.  
Шоирона қалб билан пзлапгану пзланган,  
Амазпий иши билан етар ўша кўзланган —  
Одамлар қувончига Бекжон Раҳмон албатта,  
Халиқ иқболи йўлида ўйлаган ўйи катта,  
Абдусаммад мироблар мироби Шаҳрихонда,

Өби-ҳаёт етаклаб азиздир худди нойдай.  
 Орзуму арзим етиб, етказди менга худо  
 Дилбаржон Қурбоновдай оқилу хуш феъл қудай.  
 Кўп бўлди кўришмадик, ўтиб кетди вақт ҳийла,  
 Қайдасиз Абдуҳалил, Муқимжон, Ҳабибулло,  
 Хабар ололмаи қолдик Тўхташ Ангуров Сиздан,  
 Ҳажвия ёзясизми, энди яшириб биздан.  
 Муҳаррирлар пчида муҳбирлик қилган кам,  
 Шу заҳматдан кўкарди Мутал Абдулло укам.  
 Шералидай ҳофиз ҳам Фаргона водийсидан,  
 Жозиба олганми у пайгамбар ҳадисидан.  
 Ака-ука Ёқубжон, Баҳодиржон фахримиз,  
 Шундайли чечаларни ўстирдик хошшаҳримиз.  
 Заҳриддин даврада допишларнинг допиши,  
 Зокиржоннинг бисоти устозларнинг хониши.  
 Муҳаббатга чорлайди Нуриддиннинг даъвати,  
 Жоп оромни Хурплат қўшигининг навбати.  
 Маппон Эгамбердиннинг тортини катта бизга:  
 «Сарпқ аждар ҳамласи» тушадя ёдпимизга.  
 Одижон Абдурахмон болалар ширин тили,  
 Усмовжон шеърларида кўрпнар очик дили.  
 Соғлиқнинг дорписидир Фаттоҳхоннинг баёти,  
 Не ҳаёйда ўтяпти Мукаррама ҳаёти?!  
 Очлиди ҳаёлимнинг яна бир поэтик қати —  
 Халима нафосати, Замира шижоати!  
 Ҳаёлим қайта учди қуёш ботар тарафга,  
 Қаерга кўз тапласам шоҳидман шон-шарафга.  
 Яйпадан ҳиёла ўтсам қучоғинга оларсан,  
 Йўл-йўлакай ўтганинг ҳам юрагида қоларсан!  
 Тоғлар юрти Исфара, сен гўзаллик қонсан,  
 Ёзпнинг сўлим сабосини эсинб турган описан.  
 Тоғнигу ўзбек учун тенг она Қонибодом.  
 Боғу роғини кўриб, яйраб кетади одам!  
 Ўратена бағрида тугилган Дилшод онам,  
 Марду шопра онам, номин доим ёд онам.  
 Аширмату Назармат ўсган тупроқ Новимдир,  
 Очқилик борасида ўзгача бир қавмдир.  
 Баҳодирлар дилри Маччоҳимиз, Аштимиз,  
 Улар меҳри дилдаги алоҳида шаштимиз.  
 О, Хўжаид, сен менинг шер юракли сўзимсан,  
 Темир Малик мисоли ҳам бардошу тўзимсан.  
 Фаргона мулкисининг аўкко, фозил фарзанди —



Абу Маҳмуд Ҳамид ибн Ал-Хидр ал-Хўжандий —  
 Ҳаётини мозийда кўн китоб этган баён,  
 Абу Райҳон Берунийга ҳамкор бўлагани аён.  
 Излашиб расадхона очган эди Райда у.  
 Бугун унинг қабрини излашимиз, қайда у?!  
 Бузрук Камол Хўжандий офтоб мисоли ашиқ,  
 Форсий шеър осмонида чирогини доим ёшиқ.  
 Абдурахмон Йомий ҳам таъзим этиб ёдига  
 Тенг кўйиб Шерозийга, Муслиҳиддин Саъдийга —  
 Ғазалга ғазаллар битганлар қатор-қатор,  
 Улуғларнинг сўзидан қуёш чиқар, ҳам ботар.  
 Навоий ҳам Камолни эъзозлаган жониде,  
 Тўрт ғазалда эргашган ул «Девоний Фоний»да.  
 Хўжандий номи билан ёзганлар ҳам жуда кўп,  
 Халқ гамида кўйилиб, озганлар ҳам жуда кўп.  
 Қамбархон Хўжандийнинг ғазалларини ким билар,  
 Асрлар қаъридаги армонимиздир улар.  
 Инсоний бир покиза ҳис жўши уриб дилида —  
 Маъдан ғазаллар битди тожик — ўзбек тилида.  
 Ушш Понил Хўжандий севгидаи поэтил бўлган,  
 Ишиқ ёр тўғонида булбули фозил бўлган.  
 Шермуҳаммад Аҳмали Бойтумани Хўжандий..  
 Барч-барч Оллоҳу Ватан ишқида ёнди.  
 Муаззам ҳам Хўжандийнинг энг дилбар шоираси,  
 Тожик турсиқа бўлиб, кенгдир ғазал дошраси..  
 Сўз очай Асирийдан ё Фаҳрий Румонийдан,  
 Вужудига ўт кетиб, ғазал ёзган онидан.  
 Маҳжур, Маҳзун Хўжандий, ул Раҳматилло Возех  
 Тожик уzbek, қирғиз шеърини руҳига озик!  
 Фурқатнинг Асирийга ёзган шеърини мактуби<sup>1</sup> —  
 Дўсти учун очилган юрагининг туб-туби!  
 Раҳим Яқобил сўзини эшитганман Қўқонда,  
 Қўқонлигу хўжандлик бир-бирини севар жондай.  
 Сўз соҳри оламида офтобли қувларимиз,  
 Рухимизни яширатган «Юлдузли тунлар»имиз.  
 Пиримул Қодиров ҳам водийнинг жигар-бапти.

1. Асирийнинг бу мактубга жавоби «Асирий Хўжандий жа-  
 nobларининг йнгирма бир ёшида Фурқат марҳум мактубига  
 жавоби прсол буюрган ғазаллари» кўпчилик баёаларда босил-  
 ган.

Замопнинг сўрошида у ҳаммадап кўп ёнди.  
 Шойим Бўта ҳамиша дўстлик риштасин ўйлар,  
 Унинг номин ардоқлар мухлисун қиссагўйлар.  
 Саъдулло Асадулло жондап севар халқини,  
 Ундаи ўрини тошолгап сўз сеҳрининг талқини.  
 Органали Шодиев—ўзбеғу тожик дили.  
 Шопра Бобоева сайратар булбул тилип.  
 Нурмухаммад Ибёний ижоддаги ҳамкорим,  
 Йўрабеклар гурури армоғу орзу торп!  
 Чегарани билмайди шиқу шеъру кўшини, куй!  
 Чегара билмасларини, эй, қайноқ дил жондайи суи!  
 Қарасам ич-ичингдап тўлағоянсап Сирдарё,  
 Худди мендай хаёлга чўлағоянсап Сирдарё.  
 Саховат довругини таратгансап ҳар ён сеп,  
 Малонклар чўмилган ўша қутлуг дарёсап!  
 Онамдай яқинлигини юрагимга ўт қалаб,  
 Нориндап Хўжақандгача қирғоғинини ёқалаб —  
 Ўзбеғу тожикимнинг дастурхониди бўлдим,  
 Қозоғу қирғизимнинг яна ёнида бўлдим.  
 Зиёфатга бориши тўккан онда бўлдим,  
 Қорақалпоқ, туркманнинг ишрини жонда бўлдим.  
 Ўзини кўриб турибсап ҳамманинги истағи бир,  
 Ўзларининг ҳукмига қўйган ул дастағи бир:  
 Энг оддий одамнинг ҳам ақли этиб турибди —  
 Худо бизга бир имкон ҳадя этиб турибди:  
 Бундай ол юз йилларда ё келадди, ё келмас,  
 Ава-ука бирланмаси она бахти кулмас.  
 Майда-чуйда гўлларининг эми бўлиб қолмайлик,  
 Хасадгўйлар дардининг эми бўлиб қолмайлик.  
 Эй, Турон фазандлари, қанисиз, сирлашайлик.  
 Бирланиши вақти келди, бирлашсак бирлашайлик!  
 Ўйга ботиб босилган оғир-оғир қадамдай,  
 Ибёнини сездирмай ичга ютган одамдай —  
 Соғингани оқининг ўхшаб кетади кимга —  
 Дошмандану қудратли, муҳаббатли халқимга!  
 Арау ҳолимни тинглаб, нимани ўйлаянсап,  
 Сен ҳам менга қўшилдиб, дард билан куйлаянсап!  
 Ҳеч қачон битта жойда туриб қолма, Сирдарё,  
 Бахтимизга ҳамиша оқу толма, Сирдарё!

\*\*\*

Ҳаётимда илк бора яъладим ўзимни шод:  
 Кўнгилга яширинган сўзларни этиб овод!

Худо бир, олам бир, ой бир, қуёш ҳам бир, замин ҳам бир,  
Ота бир, она бир — бунга йўқ сўроғу такбир.  
Отадан ҳам, Онадан ҳам меҳрибоним Узидир,  
Муҳаббат не, ниболим не — топган олим Узидир.  
Бор Ишончим, бу — Динимдир. диним асли Ишончим,  
Шунинг учун тувим йўқ, ёп-ёрутдир пч-пчпм.  
Одамдан бошқа жипселар Ишонч не — кўзга илмас,  
Узининг ким экапин чиндап ҳам ўзи билмас.  
Кўкракдаги кўзи кўрлар кўрқадилар ўлимдан,  
Сарбонимсан, аё Соқлий, тутгани ўзинг қўлимдан.  
Ўқиб-ўқиб, уқиб-уқиб, яна шунга шондим —  
Қандай бўлсак ва охпир қайтаради ўшапдай.  
Ғарбга қараб, Шарққа қараб, фақат уни кўраман,  
Еру кўкка, тоққа қараб, фақат уни кўраман.  
Қалбим кўзи — Ишонч кўзи Сен туфайли очилди.  
Фақат менинг дил-дилимни имони йўқлар тилди.  
У Яккаю Ёлғизини таппимаса, сезмаса,  
Одам бўлиб Рухий олам боғларини кезмаса —  
Бордир унга жаҳолатнинг алоҳида бир шарҳи,  
Хайвондан ҳам қуйи турар бундай кишилар фарқи.  
Фотима онамининг жопи менинг жонимда,  
Ё Али қонларингиз оқиб турар қонимда!  
Сиз Маҳдумп аъзамимиз улуг ҳазрат Косоний,  
Сиз ҳампша аввалимиз, ўзгалар доим соний.  
Арзимизни худонмга етказувчи пиримиз,  
Мавжуд ал-Аввал йўлийи кенг анилатган сиримиз.  
«Аҳли сулпат вал жамоа» мазхабида юрганлар,  
Дилу тилини бир этганлар, битта аҳда турганлар.  
Ҳикмат дурп ёглади азизларинг оқидан,  
Каромату башоратлар келар доим ваҳийдан.  
Ҳазрати Ғавсул Аъзамим авлоди Марғилонда,  
«Султонул авлиё»миз бу ерга келган қандай?!  
Фарзандеизга фарзанд сўраб, ўртада расул бўлар,  
Сидқидилдан эргашганлар муроди ҳосил бўлар.  
«Шайх Машриқ», «Қутби Аъзам» номлари машҳур бўлган,  
Пўқлаб борган кишиларнинг ҳампша кўнгли тўлган.  
Илми тафспр, илми ҳадис, илми мазҳаб ёд эди,  
Илми флқҳ, илми наҳвда кўшлар унда мот эди.  
Мевалари кўп дарахтнинг эгик турар шоҳлари,  
Ботим ҳамдир, худонмга, қапи етса оҳларим.  
Дупёдап кетар онда ёиларига ўтқазиб,

Хулку одоб хазинасин калитини тутказиб:

— Молу дунё тўплоймадим, қўлу кучим етмади,  
У кўнглини тортолмади, ҳеч маҳлиё етмади.  
Ҳалол бўлгани, пок бўлгани, орзум шу болам, деб,  
Имонлига имонлидир ҳамиша бу олам деб —  
Кўзин юмди дунёдаги буюкдан буюк хотам,  
Хидоят нурларини мерос қолдирди отам.  
Эй, Йўлдош «давон ишқ қил, барчадап безор бўл,  
Уйқун қилгил ҳаром, тун кечалар бедор бўл,  
Дарди йўқ бедорни кўрсанг, сен бемор бўл!»,  
Бу мен учун тапланган йўл — бирдан бир ягона йўл!  
Даъватимнинг дилимдаги ўчмайдиган муҳри шу,  
Муслмонлик аслида савобга савоб қўшув.  
Аввал, Охир, Зоҳир, Ботин — ҳаммаси Унинг ўзи,  
Муҳаббат изҳори бўлган ҳамиша унинг сўзи!  
У ҳоҳласа барча миллат бир миллатга айланар,  
У ҳоҳласа бутун дунё битта қафга жойлавар.  
У ҳоҳласа барча одам эргашади бир динга,  
У ҳоҳласа қундузимиз ўрнин бўшатар тунга-  
Энг аввало ўйлагини деб оятларни юборган,  
Дил англаса сўйлагини деб оятларни юборган.  
Йўқ-йўқ, унда зўрланг йўқдир, бордир фақат марҳамат,  
Бу ҳикматни ҳис этмайдиган фақат ҳайвону помард  
Худосизлар элу халққа бериб келган доим павд,  
Разил бўлар ўшаларга эргашган ҳар бир фарзанд.  
Ўз-Ўзини тушунмаган ҳеч ўзгани англамас,  
Бахт йўлида ўзидап ўзгани у англолмас!  
Ҳаяжонга тўла умрим ўтянгини осуда,  
Мен қаерда яшайман, кимларнинг даврасида?!  
«Зикри ал-жаҳрийа»<sup>2</sup> нчра тебраниман жуда кўп,  
«Зикри ал-ҳофий»<sup>3</sup>дан дилга ажиб офтоб олдим хўп!  
«Жолусу ҳифз ан-наф»<sup>4</sup> шир бўлиб йўлямин очар,  
Зикри шавқим<sup>5</sup> юрагимга маънилар нурин сочар.  
Ана шундай дақиқалар энг бахтли олим бўлар,  
Ҳаёлларим мени сиёлаб, яшашдан кўнглим тўлар.

1. Аҳмад Ясавий сатрлари.  
2. Овоз чиқариб зикр қилини. 3. Овоз чиқармасдан зикр қилини. Бунга Хожак Абдуҳолиқ Гийждувоний асос солган. (1118-1180). 4. Меърин билни, нафени идора қилини. 5. Зикрдан маъни уқа билини.

Булоқ суви ул булоққа қайтадан қўйилгандай,  
 Оливиян ҳар бир омоват ўривга қўйилгандай —  
 Худди қушдай қанот қоқиб учиб юрган руҳимчи —  
 Адашмаси дея мендан чўчиб юрган руҳимчи.  
 Йиғлаб-йиғлаб қўнган чоғим ўзининг маконига,  
 Сажада қилсам оздай бўлар умримнинг бу онига!  
 Қовушиб кетаман гўё ўна гўзал бөрлиққа,  
 Илоҳ ҳамма мўминлар эришсин бу ёрлиққа!  
 Бугун ширин уйқуда кимлар кирди тушимга,  
 Назарларин тапладилар бори изу пшимга.  
 Қандай қудрат беҳосдан хаёлимчи этди банд,  
 Ул Баҳол-Ҳақ вал-миллат ва дунё уд-дин Нақшбанд!  
 Қамтарлик ва шижмавдлик йўлини тутиб маҳкам,  
 Бу дунё лавзатларига боқмай бўлмади кам —  
 Соҳиб каромат, олми раббоний бу улуг зот,  
 Ҳалолу пок, имовликининг жон-жони бу улуг зот.  
 Дунё саволини етолмай печа доншлар толган,  
 Саҳоватда тенгсиз ўна руҳлар туфайли олган —  
 Нақшбанд Хожа Абдуҳалиқ Риждувоний сабoғин,  
 Дилла нури ҳилояти кезди у беҳишт боғин!  
 Парвардигор йўлида не буйруқини бажо этди,  
 Қавмларга кўзип катта очинини пилжао этди.  
 Тушимда ҳам, ўнгимда ҳам ўшалардан сўзладим,  
 Ўзга йўлга тушмаслиқнинг йўлларини изладим.  
 Оллоҳнинг ёди шикр чини куйимдир азалдан,  
 Зокир бўлиб зикр айтиш орзумдир азалдан.  
 Севгининг ловулаган чўгип асло ўчмасин,  
 Ёки беҳосдан совуб ўзга юракка кўчмасин!  
 Одил бўл ўз-ўзинга назорат қилган чоғи,  
 Эмасини кўнгилни ҳеч пушаймовликнинг доғи!  
 Увайсий! бўлмақ умиди узилмас ҳеч кўнгилдан,  
 Шини оламда нима бoр ортиқ жаниатий гулдан?!  
 Бу дунё фонийлигидан аол қотдим чонолмасдан,  
 Гоҳ муҳаббат изив излаб йиғладим тополмасдан!  
 Навоний бобoм сизладилар бошимни тушларимда,  
 Гоҳо ёлгон шикр стахлаб, айрилдим хушларимдан.  
 Бошида қандай бўлсам, охири шундай қолдим,  
 Ўзгага доим шопу ўзимга гулоҳ олдим.  
 Не донишлар кулиб ўтди Мажпун сифат ҳолимдан.  
 Қуръонни ёд ўқиғалар Лев Толстой хаёлимда!

1. Утган улуг боболар руҳи кимни тарбия қилса, ул  
 бахтли мўмин Увайсийдир.

Тусмуҳаммад ҳожиб бобом помлари бог-роғимда,  
Элмуҳаммад имом бобом ҳаминша қароғимда!  
Онажоним бузруквори Халил девкор аслода,  
Билганларим шукки улар ичган жаннатий бода!  
Фурур биллаи ёзай энди келиб қолди хошаси,  
Хон биби деб атаганлар волидамнинг онаси!  
Суриштирсам етти нунтим ақли уламо бўлган,  
Аста-аста қайтмоқдамиз ўшалар юрган йўлга!  
Ризқим улуг, умрим узоқ бўлсин дегаи шиятда,  
Иброт олиб ён-веримдан, иброт олиб ҳаётдан:  
Қариндошу уругларга ҳил эғиб бу қадим,  
Балаид тутиб келдим меҳру қуёшли муҳаббатни!  
Мен учун худди отам каби энг улуг одам,  
Одамийлик бобида бениқсои тўлиқ одам —  
Усмонали тоғамлардир, улар жону дилимдир,  
Турдаш-ку менинг яшим, менинг бурро тилимдир.  
Қариндоши қариндош деб тутмоқлик осомиди,  
Бу йўлдаги муаллимим Ҳасанбой Эсониди?!  
Мақсудали Ҳайдар ўғли менинг ақлу идроким,  
Бадру қиммат эъзозиде тенглашади унга ким?!  
Меҳр излаб эргашганман Эргашали акамга,  
Мамадали энг меҳнаткан, Мамадали энг кам ган!  
Майдачуйда ганга боқмай тора берган жияним,  
Ҳало меҳнат айни бошқа, сура берган жияним.  
Орибатиинг китобидир Шаҳобиддин амаким,  
Дилу дилдан кўнгила олар уругимдан яна ким?  
Жиянларим Тўлқинжону Шабижону Анваржон.  
Хар бирлари менинг учун саодату ширин жон!  
Онам ҳам, отам ҳам, ёрим ҳам, борим ҳам тупроқдир,  
Дунёдаги бор парсадан унда ҳикмат кўйроқдир.  
Ойдинбулоқ дунёдаги энг ширин сув булогим,  
Сен боғимсан, ўз уйимсан, молу кўйим, улогим.  
Сен-жонимсан, сен кўзимнинг қорасино оқисан,  
Менда қони уриб турган бобомларнинг ҳокимсан.  
Ҷриқзору, бехизору, шафтолизор боғимсан,  
Дадажоним ҳаётини кўрган бахтли чоғимсан,  
Кўзга шундоқ ташланади дадам босиб ўтган из.  
Сойимизда чўмизардик гоҳ тўнланиб, гоҳ ёлғиз.  
Боғалигим кўривади кўчаю сўймоқларда,  
Қундузлари бошоқ териб, туллари тўқмоқлардик.  
Улу ўлбир ёшимиздан катталардай кўш ҳайдаб,  
Гоҳ барг кесиб, шоли ўтаб — бор эдик ҳамма жойда.

Далада эдик, қора-қура болалар эдик.  
 Илк қадамдан бошлабоқ поппи ҳалоллаб эдик.  
 Салмоқлпроқ эди рости оталарнинг қадами,  
 Азилардан ортиқ азиз қишлоқнинг ҳар одами.  
 Ҳар биригиз дилимдасиз, кимдан сўз очай олдин,  
 Қарпидошим Узоқбою ҳақиқатгўй Жамолдин.  
 Сирожиддин, Мелпбою ўша Туробжон каттам,  
 Танга бундай ўйлаб кўрсам менга худди жон каттам.  
 Насихату ўғиллари, яшар ҳамон қишлоқда,  
 Борди-келди оқибатлар эсон-омон қишлоқда.  
 Мамаризо бувампиз ҳам доим ўзгалар учун  
 Асло-асло аямаган бори идроку кучини.  
 Ивлари Фазлаҳмаду Аъзағи, Мамарамлар  
 Меҳнатидан, сўзларида баҳра олмаган кимлар?!  
 Абдуғани уста буво қўлининг гуллигини,  
 Нонвой Ғулом акамизининг элг очик диллигини —  
 Ўз умрининг сўйилгича унутмайди билганлар.  
 Маматқуду Жўра тога пири деҳқон бўлганлар.  
 Қишлоқ оша жамоада машҳур Сотволди Деҳқон,  
 Ашуралп. Ҳайдарали далада бўлди ҳар он.  
 Абдуллажон Исмоилов доим ёмонни тергаб,  
 Далаларга, боғларга бутун умрини берган.  
 Жумабою, Насивали, Мўминжон, Мелизпё —  
 Хонадонга меҳнат билан сочиб келганлар эиё.  
 Қишлоғимда эл соғлигини хушёр посбони бўлиб,  
 Оғрини бор кишиларнинг еру осмони бўлиб —  
 Яшапти бир фидойи укам Аҳмаджон Эргаш.  
 Қум қишлоғу Гул қишлоғу Бегваччаю яна Дашт  
 Ўз раҳматини изҳор этар Салоҳиддинга,  
 Етаклар у оқибату меҳру имону динга.  
 Мунавваржон, Абдурахим, Мўйдинжон акам довш,  
 Қишлоқ яйраб кетар эди Тўрабек қилса хошиш.  
 Ўз йўлини топиб олди укам Юнусали ҳам,  
 Қодиржон, Маҳмуджон, Одил, Рўзмат ака ҳали ҳам —  
 Кенг далалар кучогини биргаллашиб яйратиб,  
 Юришибди гуллар экиб, яна боғлар яратиб!  
 Қаторимда, бир шорим бор — ўша Иброҳимжон бор,  
 Суялгани кетмовию ҳалоллиғу номус ор —  
 Бутун этиб келяпти ҳар он унинг бахтини!  
 Қаранг, дўстим Анваржоннинг орзуею аҳдини —  
 Ярақлаган ҳисса қўшини қишлоқ кўркамдигига.  
 Исломжону Муроджон ҳам шундай ҳислатга эга,

Фарҳодларнинг Фарҳодини кўидап бери кўрмадим,  
 Ўз йўлимни нега ўша тамолларга бурмадим?  
 Бегубор Мўйдин Дехкон, яна Маҳмуджон Ғафур,  
 Сизни кўрсам кўнгилларим ҳамиша ором тонар.  
 Хамқишлоқлар меҳрибнздаи ёришиб кетар таъбим,  
 Соддалигу очиқликда Сиздай бўлиш матлабим.  
 Устозларнинг изларидап ҳавас билан йўл юриб,  
 Етолмаган орзумни қувиб-қувиб, мўл юриб —  
 Одамларнинг дилларига нур бўлишга урипдим,  
 Яшанига, орзусига қўр бўлишга уридим.  
 Ўз-ўзимни сиқтадим у ҳеч осоп кечирмадим,  
 Ҳаёлимни у ён — бу ён худ-беҳуд учирмадим.  
 Жонимсан, жашонимсан, ёлғизим, фақат ўзинг,  
 Гуноҳимни кечиргил, яна қил шафқат ўзинг.  
 Шунча йил қўлим бўлган нафс энди қўзғолмасин,  
 Ғуборини тозаланин дилин қўлига олмасин.  
 Уралиб, сўргалашиб, майда-чуйда гамаро  
 Ўзингиз ҳароб этма нафосиз оламаро.  
 Ишвагарсан, сен эй, шайтон, сенга ким асир бўлди --  
 Эл олдида ҳижолатдан ким тирилиб, ким ўлди?!  
 Оловдан — нафс, кибр, таъна, ҳасад олган у шайтон,  
 Эзгуликнинг назаридан тамом қолган у шайтон —  
 Алдаганлар ўз қавмидан, айриди ўз элидан,  
 Хору ҳасга айландилар бу хатолик селидан!  
 Золимсану бевафосан ҳасис, доғули дунё,  
 Бир қўли қанду шакардир, бири оғули дунё!  
 Кўнглим очсам билиб-билмай қилган хатом кўп бўлган,  
 Ҳақ ёдидан гофил бўлган оиларим ҳам хўп бўлган.  
 Ўзи шоҳу нафс қўлида қул бўлганлар оз эмас,  
 Бойлик сўраб ялбарганлар рози ҳеч ҳам роз эмас.  
 Нимагиндир умидида қилган нозин поз эмас.  
 Ўзи йўқсил, аммо нафсга шоҳ бўлганлар оз эмас.  
 Нафс йўлига кирсанг агар у охири хор этар.  
 Сени хатто меҳри гиё заррасига зор этар.  
 Одамзодга душманликда азал-азал у якка,  
 У одами бўлиб ташлар майда-майда бўлакка.  
 Дўстлик учун қўлларини беришган дўстлариминг,  
 Эҳтиром у ҳурматимга эришган дўстлариминг —  
 Шарафладим шиоиб, ҳеч ўзгармас деб сўйдим,  
 Амалга ўтиришгач кўини йўқотиб қўйдим.  
 Нега улар мендан беҳос беسابаб айрилдилар,  
 Наф излабми ўзгачароқ тарафга қайрилдилар.



Хаётнинг сабоғни кўзга во ажаб, ялпшмайди,  
 Амал, бу — қўлининг қирғиқи, наҳотки билишмайди?  
 Шу дақиқа эсга тушди дўстим Иқбол Назарий,  
 — Эҳтиёт бўл, — деган, — дунё асли виждон бозори.  
 Сўзингизни унутмайман, Сиз эдингиз Маширабим,  
 Сизда қандай ҳикмат бўлган билди фақат раббим.  
 Сизга бу яқин дунёнинг бойлиғи, мансаби,  
 Хатто ором боғларию қимнинг насли-насаби —  
 Қирмаган рост, Сизнинг ўша тегили шуудай изга!  
 Илоҳий муҳаббат Сизни солганим шуудай изга!  
 Қулоқ тутсам азизлардан келган ширин ишдога  
 Интилишган ёлғизгина меҳри чексиз худога!  
 Эътиқод-ла эргашганман ани шуудай тўнга мен,  
 Ёшлигимдан авлиёлар руҳи пойини ўйлашман.  
 Аммо дунё лаззатидан, афеуски, кечолмадим,  
 Ваҳдат майини бирлар ичди, мен тугал очолмадим.

\*\*\*

Малоиклар яшаган манзилгоҳим Фаргона,  
 Қурашу истиқболим, ширин оҳим, Фаргона.  
 Муҳаббатим изҳори юрагиму ақлимсан  
 Ухшашинг товилмайди ҳатто етти пайимдан!  
 Тоғларим ўша машҳур Қўҳи Қофнинг тоғидир,  
 Боғларим ўша машҳур «Боғи ʼрам» боғидир.  
 Тоғда гулнинг юзига тушган шабнам гулбобим,  
 ʼИшватдан чиқиб келган Оқ суву Қўк сув обим.  
 ʼЗинини оралаб юрганнинг ўзи айтсин,  
 Олмазорлар чиройини кўрганнинг кўзи айтсин.  
 Поёнсиз ўрикзорнинг бари қандайлигидан,  
 Анжирзор, лоқу беҳи боғи қандайлигидан,  
 Таъминнинг лаззатлари асли жондайлигидан,  
 Жийдамизининг салмоғи худди жондайлигидан,  
 Кўм-кўк баргга ўралиб, жовон мисол мўралаб,  
 Гоҳо ширинча имлаб ва гоҳида чўлиб лаб —  
 Сархуш этган шафтоли ҳаёлидан сўз очсин,  
 Дилдаги борини, қани, ўртага сочин!  
 Қовуну хандаклар айни иштган чоғида,  
 Тунда далада қолиб, хушбўйлар қучоғида —  
 Бир уклаб турганлардан майлига сўраб кўринг,  
 Гўзаллик нима ўзи? Саволга ўраб кўринг!  
 Айтишсиз ҳавомизнинг мазасин татиغانлар,

Фарғонани ўшалар нима деб атаганлар:  
 «Оддий эмас бу манзил, уйқудаги гўзал» деб,  
 «Оромижонлигидан ё газал, ё асал» деб,  
 «Ҳақиқатга айланган бу ўлкада эртак» деб,  
 «Нима терсанг бир зумда тўлиб кетар этак» деб —  
 Баъзан кўпгил узолмай қолиб кетган оз эмас —  
 Кўлига кирганини олиб кетган оз эмас!  
 Таг-тугли элини аро ноҳўяси йўқ эди,  
 Ҳам очик, ҳам содда дил, ҳам назари тўқ эди  
 Замоналар ўзгариб, қанча шамоллар елиб,  
 Гоҳо у ёқдан келиб, гоҳо бу ёқдан келиб —  
 Бағринига ўрнашганлар барини дили чўғмиди,  
 Уларнинг орасида пасткашлари йўқмиди?!  
 Келди-келди пичида шайтонлар келиб қолган,  
 У баъзибир енгилтак одамлар кўнглини олган!  
 Ёлғону яшиқлар ҳам ўша кундан бошланган,  
 Ўз-ўзида пч-пчпчг оғрик билан гашланган.  
 Гоҳ чанг-тўзон кўтарган бўронинг ҳам ўшадир,  
 Гоҳо алғов-далгов этган суронинг ҳам ўшадир!  
 Аммо сенинг қонинг бор одамлар ўзи бошқа,  
 Шаълининг шаълим деган кичининг пзи бошқа!  
 Қучоғингда шундайлар жуда кўндир бахтимга,  
 Бундай мадал ҳамиша аҳд қўлади аҳдимга.  
 Энди мени қасрга бошлар яна ҳарби ҳақ,  
 Тоғ бўлиб суйайдиган ўртоқларим доним пақд!  
 Ушалар ҳурматига бўлолдимми мушарраф,  
 Умр бекор кетмагани сезилармикни ё раб?!  
 Хоритиб қўймадимми сарфни поклик сарфи,  
 Ҳар кимнинг бор ҳаёли, ўз «Қуръон»и шарифи.  
 Улуғлар даргоҳида бўлолмадим ё ашраф,  
 Шоирлик даъвом бору бўлолмадим ё Машраб?  
 Муҳаббат шаробини ё ичмадим, ё пчдим,  
 Ўзинг отаю онам, ўзинг ҳури беҳиштим —  
 Онажоним Фарғонам, онажоним Фарғонам,  
 Ўз ўзимга ҳисобим ёзаётган таропам!  
 Нима учун довдираб ўтказдим ҳаётимни,  
 Вақти келса айтарман ана шу бағтимни.  
 Азият чекканда ҳам юзини Ҳақдан бурмадим,  
 Ўзгалар бахтин ўйлаб, ўзга ҳаёл сурмадим.  
 Нозик дил муҳаббат-ла ҳамиша ёпиб турдим,  
 Ҳамма ҳам бир одам деб, доним шониб турдим.  
 Аммо кимдир, қант олиб, узатса агар заҳар,  
 Унга ҳисоф тиладим ҳар кунни туриб саҳар.

Курашмасанг, бу ҳаёт сенга яқин бўлмас,  
 Ўт юракни совутар, асло чақин бўлмас!  
 Бу дунёда ёмондан яхшилар кўпдир асли,  
 Ёмон ҳам яхши бўлар тоза бўлса гар насли.  
 Яхшилар бўлмаганда ёмонларнинг дастидан  
 Бугун умрим ўтарди оёқларнинг остида.  
 «Бу қишлоқи нимага меҳнат қилиб толмас» деб,  
 «Ўзгалар ташвишида ҳатто ором олмас» деб,  
 «У ҳаммани ўзига қаратишни истар» деб,  
 Одамларнинг кўнглини овламоққа уста» деб —  
 Унча-бунча обрўйим кўнгиллари қақшатиб,  
 Ўзини яқин тутиб, пинҳон оғу ошатиб —  
 Сўз билан ўқ отишиб, дол бўлишим кутганлар,  
 Икки қўлни кўтариб, лол бўлишим кутганлар,  
 Кўпчилик ҳузурда ол бўлишим кутганлар,  
 Кўй каби ювошми ё мол бўлишим кутганлар —  
 Ҳисобсиз бўҳтон тўқиб, олдиларми бирор наф?!  
 Ўзгалар чоғга тушиб, ўзгалар бурни қонаб —  
 Йилгаса қувонади фақатгина шайтонлар!  
 Шуларни эслаганда гупириб танда қонлар —  
 Нафратим сизмай кетар еру кўкка, эй, кўнгил,  
 Шубҳаларнинг барига баъзан чўккан, эй, кўнгил,  
 Истагини яширмай борин тўккан, эй, кўнгил,  
 Эл дардини ўз ичига доим туккан, эй, кўнгил —  
 Бугун не орзу билан отландинг қаёқларга,  
 Ажратдингми башарни яна қизил—оқларга?!  
 Йўқ-йўқ, асло у кунлар ҳеч изига қайтмасин,  
 Дину тил яна мени «ношукур» деб айтмасин  
 Минбарда сўз айтишга тилим боғланган эди,  
 Уни ҳатто ютишга замон чоғланган эди.  
 Тил асли бир замбарак, сўзлар унинг ўқидир,  
 Ҳали изҳор этилмаган сўзинг кўнгил тўқидир.  
 Тилинг асли бир гулдир, сўзинг унинг хушбўйи,  
 Тилинг асли бир найдир, сўзларинг унинг куйи!  
 Тилинг асли бир мева, сўзинг—унинг таъмидир.  
 Кимнинг бахт-саодати ёки кимнинг ғамидир.  
 Кимларнинг изтироби, кимларнинг оромидир,  
 Тил ҳам асли инсонга оллоҳнинг карамидир.  
 Яшаб не топган бўлсам топганман пгу тилимдан,  
 Аччирму шириним, аммо фақат дилимдан.  
 Тил сотарлар вақтида кўп ишлар бўлиб ўтган,  
 Тилимиз хомийлари газабга тўлиб ўтган.

Шу тилимни кўриқлаб, азобини тортганман,  
 Ўзгаларнинг юкни ўз елкамга ортганман.  
 Йўл очгандим «Улама дарахт» деган бир шеърга,  
 Кимлар бош кўтармади мени аёвсиз тергаб!  
 «Пантуркнст» деб атадилар улар ҳар бир гапида,  
 «Хавфли» деб ҳайдадилар ҳатто фирқа сафидан.  
 Миллатчи бўлиб отим сарсари кезганимни,  
 Номардларнинг олдида ўзимни эзганимни,  
 Фирқага тикланай деб ялборган кунларимни,  
 Соғлиғимни емирган уйқусиз тунларимни,  
 Ҳеч унута олмасман рўзи қиёматда ҳам,  
 Арзимни баён этдим маъкур шеърий хатда ҳам!  
 Одамнинг одамлиги энг аввало тили билан,  
 Севилар оппоқ-онпоқ ниятли дили билан.  
 Худо билан пайғамбар ўртасида югуриб,  
 Еру кўкда не иш бўлса ҳаммасига улгириб,  
 Шу билан қувонгану шу билан кўнгли тўлган —  
 Уша «Жаброил ҳам сўз юкита ҳаммол бўлган».  
 Қўштирноқ ичидаги сўз - Навоий сўзидир,  
 Тушимда шеър ёзишга ундаган ҳам ўзидир!  
 У кунлар, мудҳиш кунлар ҳеч пзига қайтмасин.  
 Дину тил яна мени «Ношукур» деб айтмасин!  
 Кўшларда Фаринта бор, баъзиларда шайтон бор,  
 Қора рангдан оқ рангга баъзан ўтади ғубор!  
 Салобатли қиёфа бўлмаса қайси жойда —  
 Салобатли одамлар у ерда бўлмас пайдо!  
 Гўзаллик гўзал ахлоқ мевасидир азали,  
 Мазаали одамларнинг суҳбатин ҳам мазали!  
 «Мен - мен» деб гапиришу ўзини кўрсатишлар,  
 Ожизликнинг бундайини ошкорасин ким хушлар?!  
 Ҳеч кимни севмагани ҳеч ким севмайдн ахир,  
 Умрининг охирида тақдирин бўлиб тахир!  
 Инсон бўлишнинг вақти қачонлар етиб келган,  
 Ўзин билганлар буни жо-бажо этиб келган.  
 Лекин баъзи калтабин шуни такрорлаб ҳадеб,  
 Инсон бўлиш ундай деб, ўйлаб кўрнинг бундай деб,  
 Ростини айта қолай жонимга тегиб кетди,  
 Гоҳ ўзлари чув тушиб, бошини эгиб кетди.

1. Ова тилини ҳимоя қилишга бағишланган «Улама дарахт» деган шеърини «Влоят газетасида» чоп эттирганни учун шоир қаттиқ жазоланган.

Ёлгонга бўй берганинг умри ўтар шу тахлит,  
 Ушалар ҳаётига мисол бўлар бу яхлит!  
 Кам гапирар ҳалол одам ҳалоллигу ҳақликдан,  
 Не суҳаб эшитгансиз тупни қувган оқликдан?!  
 Замона зайли билан яширилди шажарам,  
 Қимга керак бу ҳақда кўтарилган мажора?!  
 Оқсуяк эканини ким пеш қилса даврада,  
 Ҳзми баланд тутиб, тушмаса шу ҳовридан,  
 Ё ўзганинг мулкига кўзини олайтирса,  
 Ҳзига ўрип излаб, бошқани нари сурса,  
 Сағирлар ризқини еб, юзини покликдан бурса,  
 Эркакзот бўла туриб, хотини кишини урса  
 У чиндан ҳам мардуми асли Фаргона эмас,  
 Тоғдану боғдан, аммо, насли Фаргона эмас.  
 Ана шу тарозуда ўзимни тортган чоғда,  
 Юзларим ёруғ бўлиб, кўксим ўсади тоғдай.  
 Боболарим бу номни покза сақлаганлар,  
 Фарзандлик бурчларини ҳамшла олаганлар.  
 Қон деса қон беришган опа Фаргона учун,  
 Жон деса жон беришган она Фаргона учун!  
 Дадам умри далага сув тараб ўтган бироқ  
 Қишлоқда кўп одамнинг қўнғилига бўлган чироқ!  
 Бировнинг пайкалига кпрмаганмап бесўроқ.  
 Ана шу ҳавас билан харомдан юрдим йироқ.  
 Нопимни ўзим тондим, бошқаларга ҳам етди,  
 Қийналдиму кейинроқ пиним юришиб кетди.  
 Додаминг излари из бўлди укамларга ҳам.  
 Хориганда қўнғилим тўлдириб турган малҳам —  
 Очиқ дил Турдалининг ҳалоллиги, поклиги,  
 Асарали укамнинг қўнғилларини оқлиги!  
 Нисоп зотидаи қачон миннатдор бўлган қорин,  
 Йўтимни «йўқ» дедим-да тўқдим боримнинг борин!  
 Уримнинг йўлдошига, ширин фарзандларимга,  
 Қўзимнинг оқ-қораси ул жигар-баандларимга,  
 Ҳалол ош едирдиму кийдирдим ҳалол кийим,  
 Ана шу боисдан ҳам оҳанграболи уйим!  
 Ҳалол меҳнат ошини ошашиб ўғилларим,  
 Қўнғилик ташвишида яшашиб ўғилларим —  
 Яхшилар қаторига ўзларини уришиб,  
 Оғир - енгил ишларда ҳаминча тик туришиб,  
 Элга фарзанд бўлишининг фазилатини этган жам  
 Бирлари Рустамдиру бирлари эса Ҳамдам.  
 Ҳавасу орзуимдай қалб мардона ҳисли,

Муҳаббатли, вафолли, ориятли помусли.  
 Ё худонм уларни адаштирма шу йўлдан,  
 Ўзини севганларни севинсин жону дилдан.  
 Оллоҳни билмагани кўрарга ҳеч кўзим йўқ,  
 Гашини рости уларга тушиб қолган сўзим йўқ.  
 Етти пушти авлоднинг босган изи тозадир,  
 Гувоҳни ҳам савобни ҳам фарингалар ёзадир.  
 Кўнганнинг пч-пчидан эшитилар бир индо,  
 Невара-чеварамга писоф бергани, ё худо!  
 Ава шу ўй-хаёллар елкамга юки ортар,  
 Кичкинтойлар давраси бот-бот ўзига тортар!  
 Одам бўлиб тугилни ўзи катта мўъжиза,  
 Қитмирангу ҳасаду адоватдан ҳар инзо!  
 Хушқ шундайни иффату шундайни жанон бироқ —  
 Кўзини катта очмасанг, бузилишга мойилроқ.  
 Бигна оёқ аёлиниг қор бўлганини кўн кўрдим.  
 Итифотли бир сўзга зор бўлганини кўн кўрдим.  
 Ҳар ҳаётининг мазмуни боғлиқ бўлар шиятга,  
 Яна ўзини бошлагани ул нури ҳидоятга!  
 Қизимнинг икки ўгли, бир қизи улгайяпти,  
 Юрагини илитар улар меҳрининг тафти.  
 Комилаой аълочи, хурсандман ўқинида.  
 Авлодига тортяпти сўзини уқинида!  
 Оиламиз шаънини онанг каби оқлагин.  
 Бойлик қўлиниг киридир — чуқурдир бу гап таги.  
 Қиз бойлиги ҳаё деб бекорга айтмаганлар,  
 Бу сўзга такрор-такрор бекорга қайтмаганлар.  
 Одам бўлгани жон қизим, энг ҳаёли бека бўл.  
 Халоллик йўли билан эҳтиромга эга бўл!  
 Умидим чироқлари Садорбегу Сухроббек,  
 Баридан ҳам йиғиннинг бўлмасни боши эгик!  
 Хотиндан хароб бўлган кишини-ку кўргансиз.  
 Ёлғону сароб бўлган шинни-ку кўргансиз!  
 У нигоҳни таниламас номус-ор тарихга,  
 Халолу ҳаром ница етмайди у фарқиға.  
 Сизлар ҳали ўйинқароқ, Сизлар ҳали жуда ёш.  
 Аммо Бобур ўн бирда мамлакатда бўлган бош.  
 Ёмонлар ёмонлиги кўнгилга илб юринг,  
 Ким помард, ким ҳароми эканини биллиб юринг,  
 Помардлар оғир кунда ўзларини яширар,  
 Бурда нон эвазига душманга бош урар!

Ҳаромлар ошаниг ошани тортиб олар,  
Унинг бор тошганига янги ортиб олар.  
Ўйидану шидан тошолмайди ҳеч кўним,  
Бемалол чайнаб юрар болаларни ризқини!  
Яқини балогардон унинг каму кўстинга,  
Кун бермас укасига, кун бермайди дўстинга!  
Хатто собиқ қайнотаниг уйини «ўз уйим» деб,  
«Менга орзу шаън эмас, фақат керак ўйини» деб,  
Ажралишган аёл мулкни ўзи учун бисот деб  
«Ўйримда пиллганим машшатга фурсат» деб —  
Ўздай тайинсизни доим тошар ҳароми,  
Бузуқликдир ҳаммаша ул бузуқнинг ороми!  
«Кимдан нима ўнар» деб мўлтирар гадои кўзлар,  
Хотинидан ҳайдалиб, яна ундан ҳақ излар.  
Онасига шалоқ сўз отар ўша ҳароми,  
Ватанин, дўстини сотар ўша ҳароми!  
Хужжатдаги отасини менсимай туртиб турар,  
Ҳаромни эканлиги сўзидан бўртиб турар.  
Айбидан сўз очсангиз сичқондай чўзар бўйини.  
Елғонга тўлдирадиди яқинларининг кўйини.  
Йилитликни хор қилиб, ўзини тубан айлар,  
Номига эр, аслида эркак эмас бундайлар!  
Ҳароми ҳақидаги мисоллар бари жонлик,  
Яхшиликка қайтарар, у албатта ёмонлик!  
Кўтарилдиб қолмасин сўзларим эсингиздан,  
Ҳароми бошқаларни чиқариб юрар издан!  
Хайрият у мардум асли Фарғона эмас,  
У — бу жойдану эммо пасил Фарғона эмас!  
Яшаш, бу ош ошашмас, олис-олисини кўзланг,  
Ўзингиздан садоқат, аёлдан вафо изланг.  
Ўз она, ўз ота бор, ўғилларим, Сизларда.  
Тилагим шу адашманг муҳаббатли изларда.  
Кўргану билганингиз ҳамроҳдир йўлингизда.  
Истасангиз яхшилик келади кўлингиздан.  
Йону қоним набирам Сардорбеги Сухроббек,  
Йилитмасан йилити беклар ичра бўлинг бек!  
Булбулим Қамолахон, эй жажжи Махбубахон,  
